

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети**



**ТИЛ, АДАБИЁТ, ТАРЖИМА, АДАБИЙ
ТАНҚИДЧИЛИК ХАЛҚАРО ИЛМИЙ
ФОРУМИ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА
ИСТИҚБОЛЛАР**

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
материаллари**

ТЎПЛАМИ

2021 йил 26-27 март

Бухоро

Н.О. Yusupova, Z.O'. Raximova. DESCRIPTION OF SOCIAL LIFE AND SENSE OF GRIEF IN KHALED HOSSEINI'S "THE KITE RUNNER"	208
Ф.М.Хажиева. ЛАЙЛА ЛАЛАМИНИНГ "THE MOOR'S ACCOUNT" ТАРИХИЙ-БИОГРАФИК РОМАНИДА ИНТЕРТЕКСТУАЛ СТИЛИСТИК ВОСИТА ТАҲЛИЛИ	212
Ж.И.Мизрабова, М.А.Бахронова. ВИЛЬЯМ ШЕКСПИРНИНГ "ҲАМЛЕТ" АСАРИДА КАСАЛЛИК НОМЛАРИНИНГ ТУРЛИ ТАРЖИМАЛАРДА БЕРИЛИШИ	214
Ж.И. Мизрабова, О.Б. Яхшиева. О ПЕРЕВОДАХ ТРАГЕДИИ У. ШЕКСПИРА "ГАМЛЕТ"	218
Досбаева Наргиза. "СЕН" ВА "СИЗ"НИНГ ТАРЖИМАДАГИ ЛАКУНАРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ	223
Vahromjon Tolibjanov. MARK TVEN ASARLARIDAGI BOLALAR NUTQI TARJIMASIDA MUQOBILLIK MASALASI	227
Ganieva Orzigul, Chariyeva Mekhriniso. DESCRIPTION OF THE RELATIONSHIP BETWEEN PEOPLE AND SOCIETY IN JOHN STEINBECK'S "THE GRAPES OF WRATH"	231
Ф.Б.Садуллаев, М.Б.Эргашева. "AND THERE WERE NONE" ("ҲЕЧ КИМ ҚОЛМАДИ") АСАРИДА ДЕТЕКТИВ ЖАНРИ АНЪАНАЛАРИНИНГ ДАВОМ ЭТТИРИЛИШИ	234
M.S.Narziyeva. BOSHLANG'ICH TA'LIMDA ADABIY ASARLARNI O'QITISH – SAMARADORLIKNI OSHIRISHNING MUHIM OMILI SIFATIDA	238
Muxtor Ro'ziyev, Gulshan Haitova, Zarina Axmedova. HAYNRIX BO'LLNING „KATARINA BLUMNING YO'QOTILGAN OBRO'YI,, QISSASIDA INSONNING ZIDDIYATLI KECHINMALARINING IFODALANISHI	242
Khayrullayeva Nigorabegim. THE CHARACTERIZATION OF MARY ALICE MONROE'S FICTION	245
M.M. Adizova. DONNA TARTNING "THE SECRET HISTORY" ASARIDA FRAZEOLOGIZMLAR	249
Кенджаева Гулрух. ПРОБЛЕМА НАЦИОНАЛЬНОСТИ В ПЕРЕВОДЕ ОБРАЩЕНИЙ	253
Khurshida Turaeva, Sabina Negmatova. E.L.VOYNICH'S SKILL OF DEPICTING WOMEN IN SOCIAL LIFE THROUGH HER NOVEL "PUT OFF THY SHOES"	255
Пулатова Моҳичехра. Кристофер Марлонинг "Буюк темурланг" асаарида Ҳарбий лексик бирликлар қўлланилишининг семантик таҳлили	258
Ruzimurodova Zarifa. DETECTIVE GENRE AND ITS PECULIARITIES ..	263
Vozorova Viloyat, Shadiev Ilhom. MODERN APPROACHES AND INNOVATIONS IN TEACHING ENGLISH IN PRIMARY SCHOOLS	267
Maqsudova Mohigul. CHARACTER ANALYSIS OF MAGGIE IN GEORGE ELIOT'S "THE MILL ON THE FLOSS"	271

children, Muslims and the oppressed who are seeking refuge from all over the world.

This great artist was able to show in a panorama how humble, simple and sincere people live in Afghanistan. The fact that this work has been translated into more than 40 world languages is a clear proof of this. The money he buys for the book is also being spent on millions of hungry homeless refugees. I can't finish the construction of a work even if I write for hours about the writer's skill.

References:

1. The Kite Runner by Khaled Hosseini published 2003.
2. Xolid Hussayniy, Shamol ortidan yugurib: roman. Xolid Hussayniy/Tarjimon Rustam Jabborov. Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016. 208b.
3. <https://uzsmart.uz/kitoblar/files/Badiiy%20Kitoblar/Shamol%20ortidan%20yugurib%5Buzsmart.uz%5D.pdf>
4. <https://tgstat.com/uz/channel/@kdaqriz/9>
5. theguardian.com

ЛАЙЛА ЛАЛАМИНИНГ “THE MOOR’S ACCOUNT” ТАРИХИЙ-БИОГРАФИК РОМАНИДА ИНТЕРТЕКСТУАЛ СТИЛИСТИК ВОСИТА ТАҲЛИЛИ

Ф.М.Хажиева,
Доцент, БухДУ

Abstract. The article studies the analysis of intertextual stylistic means in Layla Lalami's historical-biographical novel "The Moor's Account"

Key words: intertextual, stylistic, terms, aphorisms

Кирриш. “Интертекст”, “интертекстуал”, “интертекстуаллик” (“intertext”, “intertextual”, “intertextuality”) каби терминлар бугунги замонавий тилшунослик ва адабиётшуносликда жуда кўп қўлланиладиган ходиса бўлиб, уни тадқиқ этиш ва янги қирраларини топиш филология соҳасининг долзарб муаммолари қаторига кирган. Маълумки, бадий асарда интертекстуал элементлар қаторига аллюзия, паремиологик бирикмалар (мақол-маталлар, цитаталар, афориризмлар), “матн ичидаги матн” (роман еки қисса сюжетида олдин яратилган, китобхонга таниш эртақ, афсона, ҳикоянинг ва б. бадий жанрларнинг) киритилиши тушунилади. Шу сабаб бундай ҳолатлар интертекст (матнлар қўшилиши) деб юритилади.

Асосий қисм. Лайла Лаламининг “The Moor’s Account” тарихий-биографик романида интертекстуал элементларни кузатиш мумкин. Даставвал, асар структурасида учрайдиган ва бир маромда матн тўқимасига киритилган мақолларни олиб “микроскопик” тадқиқ қилсак, уларни куйидагича таҳлил қилиш мумкин. Асарнинг тўққиз бобида ушбу мақолларни учратиш мумкин. Ҳар бир мақол асарда бўлиб ўтган воқеани

хулосаловчи, сабаб ва оқибатини лўнда қилиб қисқа иборада тушунтирувчи, воқеага Марокаш халқи, араблар менталитети орқали баҳо берувчи вазифани бажаради. Буни куйидаги мақолда кузатиш мумкин. “The elders teach us: if you are a peg, endure the knocking, but if you are a mallet, proceed with the strike” (сўзма-сўз таржима: Агар сен қозик бўлсанг, зарбга чида, агар болға бўлсанг, уришни давом эттир – Ф. Х.) – бу – Марокаш [4] халқ оғзаки ижоди намунаси бўлиб, унинг ердамида муаллиф чуқур ижтимоий характерга эга тағмаънони импликация қилган. Асар тўқимасига киритилган интертекстуал восита романнинг учинчи “The story of my birth” деб номланган бобида, Мустафонинг отаси тўғрисида гап борганда кўлланилган. Айтиб ўтилганидек, асардаги кўпгина персонажлар тўқима бўлиб, улар Марокаш миллатига хос умумий типажларга асосланиб шакллантирилган. (Буни муаллиф билан езишмаларда аниқлашга эришдик. – Ф. Х.) Мустафонинг отаси кўйи ўрта табақага мансуб, мадрасада илм олган, нотарус киефасида чизилган. У илмли одам бўлсада, жисмонан соғлиги заиф бўлади. Ешлигидан жуда кўп касал бўлиб, асарда батафсил еритилган нохуш ҳодиса сабаб, кўлидан ажралади. Ота бутун ҳаёти давомида ҳам жисмоний ҳам руҳий кучли оғриқларга чидашига, оиласидан яширинча табибларга мурожаат қилишига тўғри келади. Ешлигидан илм олишга қизиқиши паст бўлган, дарслардан қочиб бозорларда санғиб юрадиган, шу сабаб отасидан фақат дашном эшитадиган Мустафо бир куни номаълум чодирга бош тикади ва у ерда кўплаб еши катта одамларни атрофида жамлаб, бир ногиронни дуолару-ҳажомат усуллари орқали даволаётган табибни кўриб, касал одам унинг отаси эканлигини тушуниб ҳайратдан энсаси қотади. Шу маҳал табиб “The elders teach us: if you are a peg, endure the knocking, but if you are a mallet, proceed with the strike” деб, даволашни бошлайди. Бу воқеага юзаки шарҳ берадиган бўлсак, табиб дардга чидаб юрма, уни даволашни ўрган демокчидек. Чунки мақолдан сўнг табиб “Today I will show you that you do not have to be a peg. I will begin by preparing this man for treatment.” [1, 15] – деб қўлсиз одамни даволашни бошлайди. Бироқ агар мақолнинг туб маъносига эътибор қаратадиган бўлсак, унда чуқур маъно яширинган. Бу мақол билан муаллиф жисмонан заиф одамни қозикқа ўхшатиб, уни болға билан уриб, дардини чиқаришни назарда тутган деб айтишнинг ўзи тор фикр билан мулоҳаза юритиш дегани бўлади. Чунки Мустафонинг қўлсиз ногирон отаси – Африка мамлакатлари аҳолисини қул қилиш ва Европа, Америка мамлакатларига сотиш бошланаётган даврни, европаликларга “қўлини” топшириб бўлган занжиларнинг итоаткорлиги рамзи сифатида тушуниш мумкин. Асарда тасвирланишича, ўн олтинчи аср бошларида мусулмон араб мамлакатлари территориясига кирадиган Ғарбий Африка (Мелилла) шаҳарлари испан Кастилия қироллиги томонидан босиб олинган. “So when news reached my father that the town of Melilla – less than three days away by horse – had fallen to the Crown of Castile, his first thought was that there would

be even more refugees in the city and even less work.” [1,12] Бу тарихий воқеа секин асталик билан Марокаш тақдирига таъсир кўрсатган, қора танлиларнинг ижтимоий аҳволи оғирлашиб борган, одамларни куллик домига тортган. Оқ танлилар оддий халқни қозикқа ўхшаб уриб, оммавий кул қилинишига муқаддима яшашган. Шу ўринда, табиб агар сен кулликни танласанг, жимгина туриб чида, агар болғага ўхшаб урсанг, уришдан тўхтама, касалликка (кулликка) қарши курашишдан тўхтама, давом эттир дея хитоб қилган. Лалами бу билан, ўн олтинчи асрда африкаликларнинг секин-аста мустамлака бўлиб боришини паремия орқали ёрита олган.

Хулоса. Кўриниб турибдики, ушбу халқ оғзаки ижоди намунаси Лаламига матн маъносини кучайтиришга, миллатнинг тарихий менталитетини очиб беришга ҳамда, Марокаш халқига хос заковат ва доноликни еритиб беришга хизмат қилган.

Фойдаланилган манбалар

1. Lalami L., The Moor's Account. Ebook. Published by Pantheon, 2014, 336 Pages, ISBN 9780307911674
2. Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 2005. – 405 с.
3. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 365 б.
4. <http://www.special-dictionary.com/proverbs/keywords/mallet/>

ВИЛЬЯМ ШЕКСПИРНИНГ “ҲАМЛЕТ” АСАРИДА КАСАЛЛИК НОМЛАРИНИНГ ТУРЛИ ТАРЖИМАЛАРДА БЕРИЛИШИ

**Ж.И.Мизрабова,
ф.ф.ф.д. (PhD), БухДУ
М.А.Бахронова,
ўқитувчи, БухДУ**

Abstract. In this article are learned the translations of disease names the tragedy “Hamlet” by the bright representative of world playwrighting William Shakespeare. Here, demonstrated the advantage of direct translation made by different translators .

Key words: tragedy, translation, translation process, poetic features, simile, direct and indirect translations, translational transformations, cholera, purgation, rank corruption

Кириш. Касаллик мавзуси - танадаги руҳий бузилишнинг метафораси сифатида ёки ижтимоий касалликлар рамзи сифатида - бадий адабиётда кенг тарқалган. Касалликнинг аллегорик мавжудлиги қадимги юнон драматурглари томонидан кузатилган ва ўрта аср ёзувчилари томонидан ишлатилган бўлса-да, бу мавзу романтиклар ва уларнинг издошлари томонидан янада кенгроқ кўтарилди. Касаллик ёки касалликни адабиётга киритиш ғояси бадий адабиёт яратилиши бошиданок биз билан